

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИНИНГ АРХАИК ДАВР ШАҲАР ЁДГОРЛИКЛАРИ ВА УНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Матякубов Халил Ҳайитбаевич

Низомий номидаги ЎзМПУ доценти., т.ф.н.

Бугунги Хоразм вилояти қуйи Амударё ҳавзаларида мил.авв. VI асрда ташкил топган Қадимги Хоразм давлатининг муҳим таркибий қисми бўлиб, ушбу ҳудуд асрлар давомида такомиллашиб борган шаҳарсозлик маданиятига эга. Вилоят ҳудуди табиий-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда қадимий суғорма деҳқончилик ва илк шаҳарсозлик маданияти шаклланган муҳим марказлардан бири ҳисобланади. Қуйида биз Хоразм вилоятида кейинги 50-60 йил давомида археологик тадқиқотлар жараёнида топиб ўрганилган энг йирик археологик ёдгорликларга тўхталиб ўтамиз.

Археологлар томонидан Хоразм вилояти ҳудудида энг қадимий маданий қатламга эга деб ҳисобланаётган ёдгорликлардан бири бу Хумбузтепадир. Хумбузтепа Амударёнинг чап соҳилида, Хазорасп шаҳридан 16 км шарқда, Тошсақа платосининг шимолий-шарқий қисмидаги Қоратош даҳасида жойлашган²¹.

Хумбузтепа ёдгорлигининг ҳозирги вақтда 4,6 га қисми сақланган бўлиб, уни доимий равишда Амударё сувлари ювиб бормоқда. Манзилгоҳ кенглиги 65–82 м ни ташкил этиб, шимолий-ғарбдан жанубий-шарққа қараб 520 м га чўзилган.

Ёдгорликнинг турли жойларига солинган траншея ва шурфлар унинг қалин ва кўп маданий қатламга эга бўлганлигини кўрсатади. Хумбузтепада кулолчилик кенг ривожланган бўлиб, унинг чиқиндилари ташланадиган ўралар керамика парчалари билан тўлиб тошган. Ёдгорлик майдонидан ҳар хил катталиқда ва турли хилдаги кулолчилик идишлари тайёрлашга мўлжалланган хумдонларнинг излари топилган. 1973 йилги қазишмалар жараёнида Хумбузтепада ҳаёт узоқ давом этганлиги ва у жанубий Хоразмнинг мил. авв. VII – милодий IV асрлар мобайнидаги сопол ишлаб чиқаришининг йирик маркази бўлганлиги аниқланди²².

Хумбузтепа керамикасини С.Б.Болелов учта хронологик комплексга бўлади. Унинг биринчи гуруҳини мил. авв. VII–VI асрнинг биринчи ярми билан, иккинчи гуруҳ сополларини мил. авв. VI–V аср бошлари билан, учинчи гуруҳини мил. авв. V аср охири ва IV аср бошлари билан белгилаган²³.

²¹Мамбетуллаев М.М., Юсупов Н. Археологические работы в Хорезмской области // АО – 1973. – М., 1974. – С. 483.

²²Мамбетуллаев М.М. Хумбузтепе – центр керамического производства ... – С. 77–81.

²³Болелов С.Б. археологических работ на Хумбузтепе... – С. 87–89.

А. Асқаров Хумбузтепа Кўзалиқир билан бир вақтда хорасмийлар томонидан илк бор ўзлаштирилган ёдгорлик деган хулосага келади.

Хумбузтепа архаик даврда Хоразмнинг кенг кўламдаги сопол буюмларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган йирик кулолчилик маркази эди. Бунини ёдгорликдан топилган ёзув намуналари ҳам тасдиқлайди²⁴. Сопол парчасига қайд қилинган ёзувлар мазкур ёдгорликда давлат буюртмалари билан боғлиқ ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлигини кўрсатади. Мазкур керамика ишлаб чиқариш маркази деҳқончилик воҳасига яқин бўлиб, хусусан Хазорасп деҳқончилик марказини ўз махсулотлари билан таъминлаб турган.

Хазорасп Хоразм воҳасининг бошланиш жойидаги энг қадимги ва муҳим археологик ёдгорликлардан биридир. Хазорасп кўп асрлар давомида ҳаёт узлуксиз давом этган қадимий шаҳар ҳисобланади. Шаҳар ҳақидаги илк маълумотлар Я.Ғ.Ғуломов томонидан берилган эди²⁵.

Майдони 10 га дан ошиқроқ Хазорасп шаҳрининг ёшини аниқлаш мақсадида 1996 йилда ЎзР ФА Археология институтининг Хоразм археологик бўлими қазишмалар ўтказди. Шаҳарнинг ички қисмидан олинган сопол материаллар мил. авв. IV–II асрларга, унинг атрофларидан олинган керамика ашёлари эса мил. авв. I минг йилликнинг ўрталарига оидлиги аниқланди ва шаҳар илгари мавжуд бўлган қишлоқ ўрнида мил. авв. VI–V асрлар чегарасида пайдо бўлган деган хулосага келинди²⁶.

2002–2003 йилларда Ўзбекистон ФА Археология институти археологлари Хоразм Маъмун Академияси билан ҳамкорликда Хазорасп шаҳри ва унинг Ичанқалъасида стационар археологик қазишмаларда мил. авв. V–IV асрларгача бўлган маданий қатламгача етиб борилди²⁷. Бу сафар ҳам ер ости сувларининг чиқиши қуйироқ маданий қатламларга тушиб бориш имконини бермади. Олинган материаллар Хазорасп шаҳар қалъаси антик даврдан қадимийроқ маданий қатламларга эга эканлигини тасдиқлади.

Шундай қилиб, Хазорасп Хоразмнинг жанубий минтақасида ривожланган қадимги деҳқончилик воҳасининг ўзига хос маркази бўлган. Унинг барча белгиларини даврий жиҳатдан илк темир асри шаҳрига хос деб ҳисоблаш мумкин. Девсолган Хазораспнинг қадимий арки бўлган. Шаҳар қадим замонларда қалин ва кўп буржли мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўралган. Шаҳар мудофаа деворлари ташқарисида чуқур ва кенг ҳандақ мавжуд бўлган.

Хива (Ичанқалъа) Жанубий Хоразмнинг энг қадимий шаҳарларидан биридир. У Ҳейканик (Полвонёб) суғориш иншоотининг чап соҳилидаги

²⁴Мамбетуллаев М.М. Хумбузтепе – керамический центр Южного Хорезма ... – С. 36.

²⁵Гулямов Я.Г. История орошения ... – С. 82–83.

²⁶Мамбетуллаев М.М., Абдиримов Р. Исследование Хазараспа ... – С. 165–167.

²⁷Баратов С.Р., Матрасулов Ш. Археологические работы в Южном Хорезме // Археологические исследования в Узбекистане 2002 г. – Ташкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2003. – С. 43–44; Сабилов К., Рузимов С. Археологические работы в Хазараспе // Вестник ККО АН Рuz. – Нукус, 2003. – № 3–4. – С. 108–109.

текисликка тўғрибурчак шаклида қурилган. Шаҳар Ичанқалъаси ҳозирги Хива шаҳрининг ички қисми ҳисобланади. Я. Ғуломов шаҳарнинг пайдо бўлишини кушонлар даври (I–IV а.) билан белгилаган эди²⁸.

Хива шаҳрининг қадимги фортификациясини археологик жиҳатдан махсус ўрганиш учун 1984-1985 йилларда ЎзР ФАнинг Қорақалпоғистон филиали археологлари (Н.Ю. Юсупов, М.М. Мамбетуллаев, В.Н. Ягодин) Хивада археологик қазишмалар ўтказдилар²⁹. Тадқиқотларда шаҳарнинг 9 та қурилиш даврга эга бўлганлиги аниқланади. Қуйи маданий қатламлардан топилган сопол парчалари мил. авв. IV–III асрлар билан белгиланди.

Майдони 26 га бўлган Ичанқалъа антик даврда чўзиқ тўртбурчак шаклида бўлиб, пахса асос устига хом ғишдан қўш девор кўтарилган. Шаҳар атрофидан кенг хандак қазилган³⁰. Ғарбий девор ўртасида 170×120 м (2 га) ўлчамдаги арк жойлашган.

Мустақиллик йилларида Хивани археологик жиҳатдан ўрганиш давом эттирилди³¹. Ичанқалъанинг 10 қурилиш горизонтдан иборат бош чизмаси 10 турдаги хронологик даврга тааллуқли эканлиги³², қуйи қурилиш даврига оид сопол материаллари Кўзалиқир маданияти типиде эканлиги, мил. авв. IV–III асрларда Ичанқалъа икки қатор мудофаа деворлари билан ўраб олинганлиги, мил. авв. II–I асрлардаги қисқа бўшлиқдан сўнг эрамизнинг бошларидан унда ҳаёт узлуксиз равишда давом этиб келаётганлиги аниқланди³³.

Шундай қилиб, мил. авв. I минг йиллик ўрталарига келиб Хива Ичанқалъаси атрофларида суғорма деҳқончиликка асосланган маданий воҳа шаклланади. Ичан қалъанинг шимолий томонидан ўтувчи Ҳейканик (Полвонёб) канали шаҳар ва шаҳар атрофидаги деҳқончилик ерларини сув билан таъминлаган. Ана шу ҳудуднинг маъмурий, савдо-хунармандчилик ва маданий маркази сифатида мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўраб олинган Хива шаҳри вужудга келади.

Хазорасп Тупроққалъаси Хоразм вилоятининг Хазорасп тумани Хива жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган. С.П.Толстов ушбу ёдгорликни I–III асрларга тегишли деб ҳисоблаган. Мустақиллик йилларида Жанубий Хоразмнинг қадимги ва ўрта асрлар даври ёдгорликларида археологик қазишмалар олиб бораётган С.Р.Баратов янги материаллар асосида уни янада қадимийлаштирган холда мил.авв. V–IV асрлар билан саналайди³⁴.

²⁸Гулямов Я.Г. История орошения ... – С. 85.

²⁹Мамбетуллаев М.М., Юсупов Н., Ходжаниязов Г., Матрасулов Ш. Хива по итогам исследований 1985 года // Вестник ККО АН Р Уз. – Нукус, 1986. – № 2. – С. 34–40.

³⁰Мамбетуллаев М.М., Юсупов Н., Ходжаниязов Г., Матрасулов Ш. Хива по итогам исследований 1985 года... – С. 34, 38.

³¹Мамбетуллаев М.М. Раскопки оборонительных сооружений Хивы // Вестник ККО АН Р Уз. – Нукус, 1992. – № 4. – С. 112–115.

³²Асқаров А.А. Хива шаҳар маданиятининг шаклланиши ва унинг асосий босқичлари // Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган халқаро симпозиум тезислари. – Тошкент, 1997. – Б. 165–166.

³³Мамбетуллаев М.М. Хива антик даврда (мил.авв.VI – мил.одий II асрлар) // Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган халқаро симпозиум тезислари. – Тошкент, 1997. – Б. 170–171.

³⁴Баратов С.Р. Археологические работы в Южном Хорезме ... – С. 47.

Бир пайтлар яхши сақланиб қолган Хазорасп Тупроққалъасидан бугунги кунда деярли ҳеч нарса қолмаган. Қалъа муҳофаа деворлари, меъморий қурилиш қолдиқлари ва маданий қатламлари маҳаллий аҳолининг турли хил қурилиш ва хўжалик мақсадларида ишлатилиб тўлиқ йўқ қилинган.

Тошқалъа 2 (Дошқалъа) Хазорасп тумани жанубидаги Уч ўчоқ тепалигининг жанубий-ғарб томонида жойлашган.

С.П.Толстовнинг 1939 йилги кундаликларида Тошқалъа 2 антик давр ёдгорликлари қаторида қайд қилинган. 1974 йилги стационар қазишмалар жараёнида ёдгорлик батафсил ўрганилади. Тадқиқот натижалари шаҳар қалъаси мил.авв. IV – мил. VII асрларга тегишли эканлигини кўрсатди³⁵.

Ҳозир тарҳи тўғри тўртбурчак шаклидаги ушбу ёдгорлик теварак атрофдан 4,5 м кўтарилиб туради. Тепаликнинг асоси 90×70 м узунликка эга. Сўнгги тадқиқотлар натижасида ёдгорлик қурилиши учта даврига оидлиги маълум бўлди. Биринчи қурилиш даври археологик материалларга кўра, мил.авв. II асрдан милодий III асргача бўлган даврни ўз ичига олади. Ушбу даврда ёдгорлик 70×70 м ўлчамдаги муҳофаа девори билан ўраб олинган бўлиб, девор пахса асос устига урилган антик давр стандартидаги хом гиштдан кўтарилган. Муҳофаа қўш девори ораллиғидаги коридор кенглиги 2,2–2,3 м. Деворнинг умумий қалинлиги 6,3 м³⁶. Ёдгорликнинг Амударёга қараган жанубий-ғарбий томонида квадрат шаклидаги (16×16 м) дарвозаолди иншооти бўлган.

Дастлаб Тошқалъа 2 қадимги Хоразмнинг чегара қалъаси деб ҳисобланган эди³⁷. Ёдгорликнинг ўзига хос режа ва конструкцияси, дарвозаолди иншооти фортификацияси, ёдгорлик ички қисмида хўжалик ҳаётига оид предметларнинг учратилмаслигидан келиб чиқиб, С.Баратов кейинчалик Тошқалъа 2 ибодатхона мажмуи деган хулосага келади.

Қалажиқ (Довудқалъа). Хоразм вилоятининг Хазорасп туман марказидан 25 км ғарбда, жанубдан Хивага ўтадиган қадимги карвон йўлининг ёқасида жойлашган.

Қалажиқ тарҳи шарқдан ғарбга чўзиқ нотўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, дунё томонларига мос қурилган. Ҳозирда сақланиб қолган жанубий деворининг узунлиги 213 м, шимолий девор 184 м, ғарбий девор 56 м, шарқий девор 170 м ни ташкил этади. Қалажиқнинг бутун ички қисми юмшоқ шўрхок туз билан қопланган бўлиб, марказий қисмида ташландиқ оқава сувлардан кичик кўл ҳосил бўлган³⁸.

³⁵Итина М.А. Археологические памятники на древних торговых путях вдоль берегов Амударьи // Древности Южного Хорезма // ТХАЭЭ.Т. XVI. – М., 1991. – С. 25.

³⁶Баратов С.Р. Археологические исследования на юге Хорезма в 2004–2005 годах // Археологические исследования в Узбекистане, 2004–2005 годы. Вып. 5. – Ташкент: Фан, 2006. – С. 47–55.

³⁷Баратов С.Р. Археологические исследования на юге Хорезма в 2004–2005 годах ... – С. 49.

³⁸Мамбетуллаев М.М. Городище Каладжик // Вестник ККО АН РУз. – Нукус, 1983. – №1. – С. 69–73.

Шарқий деворнинг ўрта қисмида чўзинчоқ дўнг бор. Бу антик даврга оид пешдарвоза иншоотининг харобаларидир. Шимолий деворнинг ўрта қисмида асосининг ўлчами 15×25 м, баландлиги 16 м бўлган шаҳар арки жойлашган Қалъа икки қатор мудофаа девори билан мустаҳкамланган бўлиб, ички қисмида унинг баландлиги 12–14 м га етади.

Я.Ғуломов Қалажиқни мил.авв. IV–III асрларда пайдо бўлган қанғуй даври ёдгорлиги сифатида кўради ва уни Хоразмнинг Хазораспдан кейинги иккинчи йирик шаҳри деб ҳисоблайди. Олимнинг қайд қилишича, Катта Қалажиқда ҳаёт милодий I асрда тугаган³⁹.

Шундай қилиб, Қалажиқ қалъаси Хоразм воҳасининг жанубий томонидаги ҳарбий чегара шаҳарларидан бўлиб, у ҳарбий-стратегик, иқтисодий-маданий ва диний марказ вазифасини бажарган.

Янгиариқ Тупроққалъаси Хоразм вилоятининг Янгиариқ туманида, Хива шаҳридан 28 км шарқда жойлашган.

Ёдгорлик 3,5 га дан иборат бўлиб, тўғрибурчакли шаклга эга. Деворлари хом ғиштдан қурилган бўлиб, ҳар 22–24 м масофада тўғрибурчакли миноралар билан мустаҳкамланган. Ташқи деворнинг қалинлиги 2,4 м, ички девориники эса 2–2,5 м ни ташкил этиб, улар орасида коридор бўлган. Шаҳар атрофи 17–20 м кенгликдаги хандак билан ўраб олинган⁴⁰.

Ёдгорликдан топилган сопол парчалари уни илк қанғуй даври (мил.авв. IV–III асрлар)га тегишли эканлигига ишора қилади. Уларнинг энг қадимийси даврий жиҳатдан Қўйқирилганқалъанинг қуйи қатламлари билан замонадошдир.

Олмаотишкан I Хива шаҳридан 18 км шарқда, Хивани Хазорасп билан боғлайдиган катта йўл устида жойлашган.

Ёдгорлик икки қисмдан ташкил топган. Олмаотишган I тарҳи нотўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, томонларининг узунлиги 170 м, кенлиги 101 м ни ташкил этади ва умумий майдони 3,5 га. Ёдгорлик теварак атрофдан 2,5 м баландликда жойлашган. Жанубий томонининг баландлиги эса 3 м гача етади. Ёдгорлик аввалдан пухта ишлаб чиқилган режа асосида пасттекисликка қурилган. Шаҳристоннинг ички қисмидага қурилиш излари сақланиб қолмаган. Ёдгорликнинг ички қисмида шарқдан ғарбга чўзилган марказий кўча аниқланиб, у шаҳарни 2 қисмга, яъни икки маҳаллага ажратган. Қалъада арк мавжуд эмас⁴¹. Ёдгорлик атрофи экин далалари билан банд бўлганлиги учун дарвоза ўрни аниқланмаган.

³⁹Ғулямов Я.Г. История орошения ... – С. 84.

⁴⁰Мамбетуллаев М.М. История и культура Южного Хорезма ... – С. 10–11.

⁴¹Матрасулов Ш., Собиров К. Олмаотишган ёдгорлигидаги археологик тадқиқотлар ... – С. 104–107.

Я. Ғуломов Олмаотишкан I ни қанғуй даври билан саналаб, уни ўрта аср манбаларидаги Савкан шаҳри билан қиёслайди⁴².

1973–1974 йиллардаги қазишмалар Я. Ғуломов томонидан кўрсатилган санага бироз аниқлик киритди. Топилган материаллар мажмуаси Олмаотишкан I да ҳаёт I–IV ва VII–VIII асрларда давом этганлигини кўрсатди⁴³.

Ёдгорликнинг вужудга келиши ва ривожланишида шу даврда қурилган Савкан каналининг аҳамияти катта бўлиб, айти пайтда Олмаотишкан I шу канал суғориш тизимининг иқтисодий, маданий, диний ва ҳарбий маркази функциясини бажарган.

Хива Тупроққалъаси Хива шаҳридан 17 км шимолий-ғарбда, Кўрпа кўли яқинида жойлашган.

Ёдгорликнинг тарҳи тўғри тўртбурчак шаклда, ўлчамлари 167–169×170 м. Кўшалок девори айрим жойларда 3,50 м баландликка сақланиб қолган. Ташқи деворнинг қалинлиги 2,90 м, ичкисиники 2,50 м, деворлар орасидаги йўлак эни 1,70 м. Жанубий-ғарбий девордан ташқари барча деворлари тўртбурчак шаклидаги буржларга эга. Қалъага кириш жанубий-ғарбий деворнинг ўртасида жойлашган бўлиб, у тўғри бурчакли пешдарвоза иншооти билан мустаҳкамланган⁴⁴.

Хива Тупроққалъасини Г.П.Снесарев қанғуй даври билан⁴⁵, М.С.Лапиров-Скобло қанғуй ва кушон даврлари билан саналаштирганлар⁴⁶.

Сўнгги тадқиқотлар ёдгорликнинг иккита хронологик даврга тааллуқли эканлигини кўрсатди. Шаҳарга олиб кирадиган адаштира йўл мил.авв. IV–III асрларда қурилган бўлиб, бу ёдгорликнинг қуйи маданий қатламини ташкил қилади. I–III асрларда бу йўл истеҳкомнинг ташқи деворлари каби қўшимча ғишт девор билан кучайтирилади. Ёдгорлик қурилиш даврининг иккинчи босқичи I–III асрларга тегишли деб белгиланган⁴⁷. Қалъада ҳаёт III асрдан сўнг қайта тикланмаган.

Хива Тупроққалъаси деҳқончилик воҳасини ташқи душманлардан ҳимоя қилиш мақсадида бунёд этилган Хоразм давлатининг чегара қалъаси, шу билан бирга ҳудуднинг савдо-хунармандчилик ва маданий маркази вазифасини ўтаган.

Шовот Тупроққалъаси. Хоразм вилоятининг қадимги Довдон ҳавзасидаги қуриб қолган Шоҳмурод канали бўйида жойлашган.

⁴²Ғулямов Я.Г. История орошения ... – С. 84–85.

⁴³Мамбетуллаев М.М. Городище Алмаатышган 1–2 ... – С. 69–70.

⁴⁴Мамбетуллаев М.М., Манылов Ю.П. Городище Топрак-кала – крепостные сооружение древнего Хорезма // ОНУ. – Ташкент, 1977. – № 3. – С. 22, 53–55.

⁴⁵Снесарев Г.П. Под небом Хорезма. –М.: Наука, 1973. – С. 11–42.

⁴⁶Лапиров-Скобло М.С. Новый памятник фортификации древнего Хорезма // АО 1968 г. –М.: Наука, 1969. – С. 414–415.

⁴⁷Мамбетуллаев М.М. Топраккала Хивинская ... – С. 71.

Шаҳар тарҳи думалоқ шаклда бўлиб, умумий майдони 5 гектарга яқин. Қалъа деворлари баъзи жойларда 0,7–3 м баландликкача сақланган. Истеҳкомнинг айланаси бўйлаб бир биридан 22–30 м масофада тарҳи ярим овал буржлар жойлашган. Шаҳар атрофларида эни 32–42 м лик хандак қазилган бўлиб, унинг ҳозирги пайтдаги чуқурлиги 1,5 м га яқин. Ёдгорликнинг ички қисми қурилишлардан ҳоли⁴⁸.

Ўтган асрнинг 50–70-йилларида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида ёдгорлик мил.авв. IV–II асрларга оид деб белгиланган⁴⁹. Кейинги йиллардаги тадқиқотлар Шовот Тупроққалъаси бир биридан фарқ қилувчи иккита даврга тегишли эканлигини кўрсатди. Биринчи давр мил.авв. V аср охири – III асрларни ўз ичига олиб, бу даврда мудофаа деворлари бунёд этилган. Иккинчи давр (мил.авв. II – милодий III асрлар)да унча катта бўлмаган қайта қурилишлар амалга оширилган. Шаҳарнинг кимсасиз бўлиб қолиши III аср охирига тўғри келади⁵⁰.

Ёдгорликнинг айлана шаклида бунёд этилиши унинг алоҳида аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатади. Зеро, бу типдаги қурилишлар ўнг соҳил Хоразмдаги Қўйқирилганқалъа ва Кичик Қирққизда, сўл соҳилда эса Қалъалиқир 2 ва Говур 3 ёдгорликларида, ҳамда қуйи Сирдарё этақларидаги Чирикробод шаҳарларидагина кузатилади. Аммо Шовот Тупроққалъасининг ушбу ёдгорликлардан фарқли жиҳати ҳажми жиҳатидан катталигидир.

Шовот Тупроққалъасининг қалин деворлар (14 м) билан ўралиб, буржлар билан мустаҳкамланганлиги ёдгорликнинг мудофаа мақсадида бунёд этилганлигини кўрсатса, унинг айлана шаклида эканлиги қадимги аҳолининг диний маросимий қурилишлари ва космогоник фалсафий қарашлари билан боғлиқлигини кўрсатади.

Катқалъа Урганч шаҳридан 24 км шимолий-ғарбда жойлашган.

Ёдгорлик майдони 8,5 га (300×281 м.) ни ташкил этиб, тарҳи трапеция шаклида. Қалъа деворлари хом ғиштдан кўтарилган бўлиб, ярим доира шаклидаги миноралар билан мустаҳкамланган. Ғарбий деворнинг узунлиги 300 м, шарқий девор 256 м, шимолий ва жанубий деворлар эса 281 м ни ташкил этади. Қалъага кириш фақат бир томон (шарқий деворнинг ўртаси)дан бўлиб, кириш дарвозасининг эни 9 м ни ташкил этган. Ёдгорлик аркка эга эмас. Қалъа жанубий, ғарбий ва шимолий томонлардан кенглиги 5 м бўлган чуқур хандак билан ўраб олинган⁵¹.

Ёдгорлик учта маданий қатламдан иборат. Ёдгорликнинг қуйи қатламларидан олинган материаллар мил.авв. IV–III асрларга, ўрта маданий

⁴⁸Мамбетуллаев М.М. Раскопки раннеантичного хорезмийского городища Топраккала (Шаватская) // Вестник ККО АН РУз. – Нукус, 1980. – № 4. – С. 64–69.

⁴⁹Толстов С.П., Жданко Т.А., Итина М.А. Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции АН СССР в 1958–1961 гг. // МХЭ. Вып. 6. – М.: Наука, 1963. – С. 22.

⁵⁰Мамбетуллаев М.М. История и культура Южного Хорезма ... – С. 12.

⁵¹Сабилов К. Хорезмийская фортификация на фоне городища Каткала // Вестник ККО АН РУз. – Нукус, 2006. – № 1. – С. 52–53.

қатлам ашёлари милодий VII–VIII асрларга ва юқори қатлам топилмалари эса IX–XI асрларга оид⁵².

Катқалъа Довдоннинг ўнг соҳилидан сув олувчи антик давр Ёрмиш каналининг бунёд этилиши натижасида пайдо бўлган. Шаҳар каналнинг бошланғич қисмида жойлашганлиги унинг антик даврдан бошлаб мазкур деҳқончилик ҳудудларининг давлат аҳамиятига молик муҳим стратегик шаҳар қалъаси бўлганлигини кўрсатади.

Воянган (Раит) Хоразм вилоятининг Шовот туманида жойлашган.

Воянган режаси тўғрибурчак шаклида бўлиб, дунё томонларига мос қилиб қурилган. Шаҳар харобалари атрофдан 1,5–2 м баланд кўтарилиб туради. Ёдгорликнинг умумий майдони 17 га ни ташкил этади. Шаҳар атрофи мустаҳкам кўтарма ва хандаклар билан ўраб олинган бўлиб, буларнинг излари қамиш босган пастлик кўринишида сақланган.

Я.Ғуломов Воянганни антик давр билан, шаҳарда ҳаётнинг иккинчи марта жонланадини IX–XIII асрлар билан белгилаган эди⁵³.

Антик даврда вужудга келган бу ёдгорлик икки қисмдан: қалъанинг ўзи (ғарбий қисм) ва очик қишлоқ (шарқий қисм)дан иборат. Ғарбий қисми 280×360 м (10 га) ўлчамдаги тўғри тўртбурчак режага эга. Емирилган девор қолдиқлари унинг чегарасини акс эттириб туради. Шаҳарнинг шарқий қисми 320×220 м (7 га) ўлчамда бўлиб, девор қолдиқлари 1,5 м баландликда сақланиб қолган⁵⁴.

Шаҳарнинг ички қисми ва деворлари ёнида солинган траншея ва шурфлар унинг кўп қатламли эканлигини кўрсатган. Ер ости сувларининг чиққанлиги сабабли ёдгорлик қуйи маданий қатламларигача етиб боришнинг имкони бўлмаган. М.Мамбетуллаев кейинги йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаларидан келиб чиқиб, ёдгорликнинг ғарбий қисми жуда қадимий бўлиши мумкинлигини тахмин қилгани холда, шаҳарнинг бу қисми милодий II–III асрларда мудрофаа деворлари билан ўраб олиниб, унда ҳаёт XIII асргача давом этган деган хулосага келади⁵⁵.

Воянган антик даврда Олтинкўл, Маноқ суғориш тизимининг маркази сифатида вужудга келиб, узоқ тарихий давр мобайнида ҳудуднинг савдо-хунармандчилик, иқтисодий ва маъмурий маркази вазифасини бажарган.

⁵²Мамбетуллаев М.М., Маньолов Ю.П., Юсупов Н., Ходжаниязов Г. Исследование в Хорезмской области // АО – 1974. – М.: Наука, 1975. – С. 505.

⁵³Гулямов Я.Г. История орошения ... – С. 86.

⁵⁴Мамбетуллаев М.М., Қдырниязов М.Ш. Городище Воянган ... – С. 86–87.

⁵⁵Мамбетуллаев М.М., Қдырниязов М.Ш. Городище Воянган ... – С. 90–91; Мамбетуллаев М.М. История и культура Южного Хорезма ... – С. 11.